



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2004 йил 21 апрель, чоршанба

№33 (11.628)

Эркин нархда сотилади

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Оила ва аёллар муаммолари комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур комиссия раиси Ш.Салимова бошқарган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг болаларни оилага тарбияга олиш (патронат)га доир қисми қондаларининг Тошкент шаҳридаги ижроси билан боғлиқ масала муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, шаҳарда ушбу кодексда кўрсатилган ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ва тарбияга олиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари, адлия, суд, прокуратура органлари, Ҳақ таълими вазирлиги ва бошқа мутасадди идоралар ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар меҳрибонлик уйлари, умумтаълим мактаб-интернатларига жойлаштирилиб, тулиқ давлат таъминотида олинатир. Бу узининг ижобий самарасини бермоқда.

Йиғилишда бу борада йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам эътибор қаратилади.

(ЎЗА).

Вилоятимиз деҳқонлари кўламининг энг долзарб вазифаси — чигит экиш мавсумини муваффақиятли яқунламоқдалар. Ҳозирги кунгача 108 минг гектар майдоннинг қарийб 104 минг гектарига сифатли уруғ қадалди. Кунлик суръатга қараганда бугун вилоят бўйича чигит экиш охирига етказилади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу йил ушбу муҳим агротехник тадбир ўтган мавсумдаги нисбатан анча эрта тугатилди. Чунончи, ўтган йили 20 апрелгача 21 минг 515 гектар майдонга уруғ ташланган эди.

Бундай суръатга экиш мавсумига олдиндан ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлиги, техника воситаларидан самарали фойдаланилгани, мавжуд ишчи кучлари тўла сафарбар этилганлиги туфайли эришилди. Айрим кунлари 900-950 тагача севалка сафарбар этилиб, 9500-10000 гектар майдонга уруғ қадалди.

Экиш ишлари оқилона ташкил этилган Чиноз тумани хўжаликлари мавсумни вилоятда биринчи бўлиб яқунлади. Оққўрғон, Янгийўл ва Куйичирчиқ туманларида ҳам кеча сўнгги гектарларга чигит ташланди.

Аксарият туманларда чигит экишини тугаллаш билан бир вақтда плёнка остида қийғос униб чиққан гўза ниҳолларга биринчи ишлов беришга киришилди. Бу бежиз эмас, чунки, об-ҳаво бирмунча паст келяпти, ёш ниҳолларга иссиқлик етишмаяпти. Шу боис сифатли ўтказилган култивация гўзанинг илдири қисмига илқ ҳаво етиб боришига имкон яратади, ўсимликнинг ривожига ёрдам беради.

Масалан, Юқоричирчиқ тумани вилоятимизнинг географик жойлашувида мувофиқ шимолий минтақа ҳисобланади. Бинобарин, кўкламги дала ишлари, шу жумладан, чигит экиш ва

ЭКИШ ЯКУНЛАНИБ, ИШЛОВ КУЧАЙТИРИЛАЯПТИ



пахта терими ҳам бошқа туманларга нисбатан тахминан 10-15 кун кеч бошлади. Лекин бу йил тумандаги «Гулистон» ширкат хўжалигида чигит одатидан анча барвақт экилиб, биринчи ишлов ҳам бошлаб юборилди.

Гап шундаки, «Гулистон» нафақат туман, балки вилоятдаги энг йирик хўжаликлардан бири эканлигига қарамай, асосий тармоқлари яхши ривожланган бўлиб, ҳосилдорлик ҳам, иқтисодий салоҳият ҳам барқарорлашган. Масалан, пахтачиликда санокли хўжаликларгина режани уддалаган ўтган йилги натижани олиб кўрайлик.

«Гулистон» режани бажардигана эмас, балки йилни 85 миллион 645 минг сўм соф фойда билан яқунлади. Барқарорлигининг яна бир асоси шундаки, хўжалик ўзининг мустақам техника базасига эга. Чунончи, севалканинг ўзидан 28 та бор. Шундан ўнтаси плёнка тортиб экишга мосланган. Ана шу севалкалар умуми ишлатилиши, 12 апрелгача 1020 гектар майдоннинг 280 гектарига плёнка остига, қолганига очикча чигит экиб бўлинди. Экиш жараёнида бирийўла гербицид сеппиш ва ўғит солиб кетиш агротехникасига ҳам қатъий амал қилинди.

Ўтган йили хўжаликка янги С-2609 навни 40 гектар майдонга синов тариқасида экиб кўришга рухсат берилганди. Натижа кутилганидан ҳам юқори бўлди. Масалан, хўжалик бўйича умумий ҳосилдорлик 27,5 центнердан тўғри келгани ҳолда синов учун экилган янги нав 39 центнердан ҳосил тўқди. Шу боис бу йил 1020 гектар ернинг деярли ярмига С-2609 нави экилди. Мақсад — уруғлик пахта етиштириш.

Айни кунларда плёнка тортиб экилган майдонларда биринчи ишлов қизгин олиб борилаётган. Эрта-индин очик майдонларда гўза

ниҳоллари ҳам ишловталаб ҳолга келади ва мавжуд 20 та культиватор тўла қувват билан ишга солинади.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

СУРАТДА: (ўнгдан) хўжаликнинг уруғчилик бўйича ҳосилоти Тўлқин Сиддиқов бош пудратчи Шарифа Ҳамидова ва механизатор Қўшоқ Аширбекова култивацияни сифатли ўтказиш тўғрисида кўрсатма бермоқда.

Даврон АҲМАД олган
сурат.

Огоҳлик — давр талаби

МАҚСАД УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК

Инсон баъзан икки нарсанинг қадрига кеч етади. Бири соғлиқ, иккинчиси тинчлик ва хотиржамликдир. Бошига дард-мандлик келганда — етти мучаси соғ-омон юрган кезлари унинг учун қанчалик бахтли онлар эканлигини, оиласи, юрти нотинч бўлганда эса, бир маромда, тинч-хотиржам давом этиб келадиган ҳаётнинг ўзи учун берилган бебаҳо неъмат эканлигини англаб етади.

2004 йилнинг 28-30 март кунлари Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳаракатларининг оқибатлари ҳалқимизни яна бир бор атрофга теран назар ташлашга, мавжуд воқеликка бепарво, лоқайд бўлмасликка, бугунги тинч-лигимизни қадрлашга чорлади.

Бегунох инсонлар террор деган балонинг қурбона айлангани яна ва яна огоҳ бўлишга даъват этди, бир тану бир жон бўлиб, Ватан тинчлиги, ҳалқ фаровонлигини сақлашга ундади. Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номи ширкат хўжалиги маданият саройида бўлиб ўтган тад-

бир ҳам «Огоҳлик — давр талаби» мавзусига бағишланди. Унда вилоят ҳокимлиги бошқарма ва муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, соғлиқни сақлаш, савдо, ҳалқ таълими тизими ходимлари, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этдилар.

Йиғилишга бежиз бу соҳалар вакиллари тақдир этилгани йўқ. Сабаби, газандалар одамлар кўп тўпландиган жамоат жойларида, яъни мактаблар, бошқа таъ-

лим муассасалари ҳамда бозорлар, шифо масканларида, маҳаллаларда ўзларининг қабих ниятларини амалга оширишга интиладилар. Бунинг юртимизда содир этилган террористик ҳуружларнинг манзилларида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда сўзга чиққанлар террор деган балои азимни қоралар эканлар, уни қурраи заминдан даф этиш учун бутун инсоният биргаликда курашиши, ўз уйини, жонажон Ватанини асраш учун бир ёқадан бош чиқариб, ёнма-ён яшаш лозимлигини таъкидладилар. Бу иллатнинг энг ёмон жиҳатларидан бири ҳали оқ-қорани ажрата олмайдиган ўсмирларни ўз қомига тортаётганидир. Бунга қарши курашиш ҳам энг долзарб масаладир.

Тадбирда иштирок этган айрим юртдошларимизнинг билдирган фикр-мулоҳазаларини сиз ҳам ўқиб кўринг.

Ботир ДАВРОНОВ,
Чирчиқ шаҳридаги
1-маҳалла оқсоқоли:

— Эл-юрт тинчлиги бу — оила, Ватан, жамиятнинг раванқ топишидир. Юртимизда содир этилган хунрезликларни ана шу тинчлик, хотиржамлик, тараққиётга солинган раҳна дейиш мумкин. Бу воқеаларни содир этганлар Ўзбекистон ҳалқининг тинчлигини бузмоқчи, аҳилига раҳна солмоқчи бўлилар. Афсуски, ана шу ниятда қабихликка қўл

ли муассасалари ҳамда бозорлар, шифо масканларида, маҳаллаларда ўзларининг қабих ниятларини амалга оширишга интиладилар. Бунинг юртимизда содир этилган террористик ҳуружларнинг манзилларида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда сўзга чиққанлар террор деган балои азимни қоралар эканлар, уни қурраи заминдан даф этиш учун бутун инсоният биргаликда курашиши, ўз уйини, жонажон Ватанини асраш учун бир ёқадан бош чиқариб, ёнма-ён яшаш лозимлигини таъкидладилар. Бу иллатнинг энг ёмон жиҳатларидан бири ҳали оқ-қорани ажрата олмайдиган ўсмирларни ўз қомига тортаётганидир. Бунга қарши курашиш ҳам энг долзарб масаладир.

Тадбирда иштирок этган айрим юртдошларимизнинг билдирган фикр-мулоҳазаларини сиз ҳам ўқиб кўринг.

Ботир ДАВРОНОВ,
Чирчиқ шаҳридаги
1-маҳалла оқсоқоли:

— Эл-юрт тинчлиги бу — оила, Ватан, жамиятнинг раванқ топишидир. Юртимизда содир этилган хунрезликларни ана шу тинчлик, хотиржамлик, тараққиётга солинган раҳна дейиш мумкин. Бу воқеаларни содир этганлар Ўзбекистон ҳалқининг тинчлигини бузмоқчи, аҳилига раҳна солмоқчи бўлилар. Афсуски, ана шу ниятда қабихликка қўл

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҳаёти

БОЙҚОЗОНДА ЁШЛАР МАРКАЗИ

Паркент тумани Бойқозон ширкат хўжалигида «Са-лоҳият» ёшлар маркази очилди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Тасвирий ойна» ижодий бўлимлари ҳамда «Бойқозон» ширкат хўжалиги, бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу марказда ёшларга турт

йўналишда назарий ва амалий кўникмалар берилади. Янги ёшлар марказининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Иномова иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ШОИР ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан бу йил мамлакатимизда Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллик тўйи кенг нишонланади. Бўка туманида ўтган тадбир ҳам ана шу санага бағишланди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ҳамда Бўка тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган бу ўрашувда таниқли адиб ва шоирлар,

санъаткорлар Мухаммад Юсуфнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзладилар. Ўқувчи ёшлар шоирнинг асарларидан намуналар ўқишди. Унинг шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар ижро этилди.

«БЕГОЙИМ» САХОВАТИ

Ангрен шаҳрида «Меҳр ва муруват йили» дастурида белгиланган тадбирларни ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шу сингари тадбирлардан бири яқинда шаҳардаги «Бегойим» ширкати томонидан уюштирилди. Унда шаҳардаги даҳаларнинг ҳам таъминланган оилалари фарзандлари ва 34-мактаб-интернат ўғил-қизлари қатнашди. Тўқин дастурхон атрофида ижро

этилган мусиқий чиқишлар тадбир файига фойда қўшди. У янада мазмунли ўтишида шаҳардаги 29-автокорхона, «Жасмина» ва «Анора» ошоналари жамоасининг ҳиссаси катта бўлди.

Воҳид
БОЙМУРОДОВ.

ГРАНТ АСОСИДА

Оққўрғон туманидаги 6-умумтаълим мактабида замонавий компьютер хонаси ўқувчилар ихтиёрига берилди.

Ундаги сўнгги русум техникалари USAID халқаро жағнамасига қарашли AYREX таъкилотининг компьютерлаштириш лойиҳасига биноан грант асосида қўлга ки-

ритилди. Бу ишга мактаб ўқитувчиси Дилфуза Абдиева лойиҳа муваффақлаштирувчиси сифатида муносиб ҳисса қўшди.

Шерали РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ЯНГИ ҚУЛАЙЛИК

Зангиота тумани Зангиота қишлоғи аҳолиси учун транспорт хизматини яхшилаш мақсадида янги қулайлик яратилди.

4-автокорхонага қарашли, Олой бозори ва Эркин кўрғони йўналишидаги 57-автобус қатнови Зангиота қишлоғи марказига қадар узайтирилди.

Бу, айниқса, шаҳарга қатнаб ўқувчи ва ишловчилар учун жуда қулайдир.

Рустам НЕҒМАТЖОНОВ.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАНЛОВ

Пискент тумани мактабларида юқори синф ўқувчилари ўртасида тасвирий санъат намуналари танлови бўлиб ўтган эди. Яқинда ана шу танловнинг туман босқичи ўтказилди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ташаббуси билан туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Агар огоҳ сен», «Қамолот» гйёҳвандликка қарши» мавзуларида саралаш босқичи тугалланди. Унда тумандаги 28 та мактабдан 200 нафарга яқин йигит-қизлар ўз маҳоратларини синашди.

Танлов якунига кўра, туман биринчилиги 27-умумтаълим мактаби 6-синф ўқувчиси Беҳзод Ҳамдамовга насиб этди. 5-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Юлдуз Фозилова чизган расмлар иккинчи ўринга муносиб топилди. Учинчи ўринни 23-умумтаълим мактаби еттинчи синф ўқувчиси эгаллади.

Иқтидор соҳибларига Либерал демократик партияси туман кенгашининг фахрий ёрликлари ҳамда ёшлар ҳаракати ҳамда ёшлар ҳаракати эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Эслатиб ўтамиз: **Обуна давом этмоқда**

Бизнинг индекс — 205.

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилганига 10 йил тўлди

Мустиқилликнинг ўтган ўн уч йиллик даври халқимизнинг кўп минг йиллик тарихини ва миллий давлатчилик тараққиётида янги бир босқични бошлаб берди. Айнан шу даврда шаҳар ва қишлоқларимиз манзарасига эмас, миллатимизнинг маънавий руҳий киёфаси ҳам тубдан ўзгарди.

Президент Фармонига биноан 1991 йилдан буён 21 март Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланиши соғлом маънавий-руҳий мухитни шакллантиришга, аҳоли онгу тафаккурини янгилашга хизмат қилмоқда.

Истиқлолнинг ўтган ўн уч йиллини том маънода «Маънавий тикланиш даври» десак асло муболага бўлмайди. Бирор бир йил йўқки, бирор бир алломининг юбилейи нишонланмаган, зиёратгоҳи обод этилмаган бўлсин! Имом Ғуломмаҳмуд Абдуллаевнинг 1225 йиллиги, Абу Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замашарийнинг 920 йиллиги, Насриддин Кубронинг 850 йиллиги, Бахавуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хожа Ахрор

Валийнинг 600 йиллиги, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Амир Темур таваллудларида нишонланиши. Баъзида ўйлаб қоласан киши: бундай кўп буюк ва ҳар бири ўзига хос алломалар яна қайси юртда бор?! Бундай улкан маънавий салоҳиятга эга қудратли халқнинг фарзанди эканлигимиздан ҳақли равишда фахрланасан арзийди. Мудом, унга муносиб бўлиш хисси юрагимизга гурур бахш этади.

1994 йил 3 апрелда бундан ропла-роса ўн йил муқаддам Ўзбекистон Президентининг «Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Ўзбекистон халқининг маънавий-маданий мероси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳига мос гоёларни

(Давоми 2-бетда).



(Давоми 2-бетда).

Маънавият соатлари

СОҲИБҚИРОННИНГ БУНЁДКОР ҒОЯЛАРИ

Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган ва ҳақиқатини дунёга танитган соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти, шахсияти тўғрисида ҳақиқатни тиклаш соҳасида истиқлол йилларида улкан ишлар амалга оширилди. Унинг босиб ўтган йўли, қилган ишлари нафақат замондошларини, ҳатто ҳозирги кундаги жаҳон аҳлини ҳам ҳайратга солмоқда.

Тошкент вилояти педагог ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мажлислар залида улуг соҳибқирон таваллудининг 668 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Амир Темур давлатчилигида бунёдкор ғоялар» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда бу фикрлар алоҳида қайд этилди.

Вилоят педагог ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ректори, пси-

хология фанлари номзоди, доцент Эркин Сатторов тадбирни очар экан, шундай деди:

— Ҳақиқатининг мустақилликка эришуви озодлик ва ҳурлик олиб келиш билан бирга ўзбек халқининг миллий қадриятлари тикланишига ҳам катта йўл очиб берди. Миллий тарихимизни ҳолисона ва чуқур ўрганишга асос солинди. Ўзбек халқининг буюқ тарихи, куч-қудрати, имкониятлари, донолигини улуг боболари-

миз, хусусан, Амир Темур тимсолида таърифлаб, исботлаб берилди.

Анжуманда сўзга чиққан республика «Маҳалла зиёси» маркази раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор Саъид Раҳимов, республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим мудири — сиёсий фанлар магистри Шамсиддин Жумаев, педагогика фанлари номзоди, доцент Ақром Ақмалов, халқаро Амир Темур фондининг хорижий мамлакатлар билан алоқалар бўлими бошлиғи Насруллоҳ Тура ва бошқалар буюқ соҳибқирон ўз фаолияти давомида эзгулик ва ахшиликка, меҳр ва муруват, тинчлик ва осойишталикка



ҳамда бунёдкорликка қатъий амал қилганлигини ибратли мисоллар ёрдамида таърифладилар.

Шавкат ҚУЛИБОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ИЖТИМОЙ СОҲАГА
МОЛИЯВИЙ КЎМАК

18 апрель кuni Лондонда бўлиб ўтган Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилиши давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ислам тараққиёт банки ўртасида қиймати 23,8 миллион АҚШ долларига тенг кредит ажратилиши тўғрисида молиявий шартнома имзоланди.

Мазкур кредит вилоят шойиш-лих тиббий ёрдам марказларини замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш дастури учун мўлжалланган.

Лойиҳа ихроси Ўзбекистоннинг барча вилоятларида энг замонавий тиббий технологиялари ва жиҳозлари асосида маҳалли тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурининг иккинчи босқичини амалга оширишда муҳим қадам бўлади.

Бундан аввалроқ қатор сарф-матроҳларни шакллантириш, жумладан, Ўзбекистоннинг 172 туманидаги шойиш-лих тиббий ёрдам марказларини замонавий тиббий жиҳозлари билан таъминлаш тўғрисида келишиб олинган эди.

Шойиш-лих тиббий ёрдам марказларини барпо этиш дастурининг якуний босқичи Қувайт араб тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

«Жаҳон» АА.

Шундан кейин

ВИРУСНИНГ
ЯНГИ ТУРИ


Хонаки компьютерлардан фойдаланувчилар «Netsky» номи билан машҳур «курт» вирусининг янги тури хуруж дуч келаётганини Унинг дастлабки хили — «Netsky-A» жорий йилнинг январда пайдо бўлган ва Microsoft дастурий таъминоти хавфсизлик тизимидagi муҳофазаси бўш жойлардан фойдаланиб, анча компьютерларни бадном қилган. Мазкур вируслардан зарарланиш хавфини бартараф этиш учун дастурларга мувофиқ «ямоқлар» ўрнатиш даркор.

ЮРАГИ ПАНД
БЕРДИ

Машҳур футболчи Диего Марадона Буэнос-Айресдаги «Сузоа Аргентива» хусусий клиникасига юрак хуруж ташҳиси билан олиб келинди. 43 ёшли спортчи оғир аҳволда бўлгани учун нафас олишига кўмаклашувчи аппарат ҳам қўлланган ҳолда интенсив муолажадан ўтди. Марадонаниннг юраги Аргентина чемпионатининг «Бока хуниорс» ва «Нуэво Чикаго» жамоалари ўртасидаги ўйиннинг иккинчи тайми давом этаётган бир пайтда хуруж қилди, деб хабар қилди манбалар.

БЕМИНАТ
КЎМАКЧИЛАР

Буюқ Британиянинг Уитли шаҳрида Бэтмен ва Робин либосларини кийиб олиб, оғир дахилаларда қизлар ёрдамига етиб келаётган икки сирли одам пайдо бўлди. Комиксларнинг жонли кяхромоларини воқеалар ўз берган жойларда бир неча бор кўришган. Жумладан, машинасининг бензини тугаб қолган қиз олдида тўсатдан пайдо бўлган Бэтмен ва Робин, баки бўшаб қолган автомобилни ёнғили қийиш шохобчасига таъриб боришган.

ҲАМДАРДИНГ
БЎЛСА

Инглиз олимларининг таъкидлашича, инсонда суяган ёрми ёки қариндошми — суньяндиган яқин одами бўлса, юрак хуружи эҳтиётли салмоқли даражада қамалиб, ҳасталиклан сўнг тезроқ оёққа тураркан. Бундай қонунятини балки, ёлғиз кишинингнинг чекишга, алкоголь ва наркотиклар истеъмол қилишга, сиқилишга мойиллиги билан боғлаш мумкинлиги. Рақарлай, ёнингда ҳамдардинг бўлганига не етсин...

ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ

Туманли албионда алкоголь ичимликлар таркибиде тез таъсир этувчи моддалар мавжудлигини кўрсатиб берувчи экспресс-таҳлил усуллари сотува қилириди. Қадашларига у-бу нараса қўшиб, беҳуш аҳволларидан қайтариш мақсадида фойдаланишларидан чўйдирилганлар учун ишлаб чиқарилган ушбу восита ҳамламаси ҳажми гуғурт қутисидан катта эмас.

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

ЧЕМПИОН — ЯККА ПЕШҚАДАМ

Футбол бўйича мамлакат ўн учинчи миллий чемпионатида иштирок этаётган олий лига жамоалари навбатдаги олтинчи тур учрашуларини ўтказдилар. Олти учрашувдан тўрттасида майдон эгалари голиб чиққан бўлсалар, бир ўйинда меҳмонлар зафар кучдилар.



Бир ўйинда жанговар дуранг қайд этилди. Дарвозаларга 11 та тўп киритилди. Турнинг марказий учрашуви «Пахтакор» — «Навбахор» ўртасида бўлиб ўтди. «Пахтакор» барча учрашуларни галаба билан якунлаб, 15 очко тўплаган бўлса, наманганликлар беш учрашунинг

тўрттасида голиб чиқиб, ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб келаётган эдилар. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумкор ўйин намойиш қилди. 11-дақиқада майдон эгаларидан Леонид Кошелев рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни очишга эриш-

ган бўлса, 46- ва 70-дақиқаларда Зайниддин Тожиёв меҳмонлар дарвозасига иккита тўп киритишга эришди ва ўйин тақдирини ҳал этди. «Пахтакор» олти учрашувдан 18 очко тўплаб, чемпионатда яқка ҳолда пешқадамлик қилмоқда.

Иккинчи ўйинда бораётган «Навбахор» ўрнини Фарғонада «Насаф»ни қабул қилиб, ягона тўп ҳисобига галаба қозонган «Нефчи» эгаллаб олди. Унинг ҳисобидаги очколари 15 тага етди. «Сурхон» — «Сўғдиёна» учрашувида ҳам 1:0 ҳисоби қайд этилди. «Андижон» ҳам ўз майдонида пойтахтнинг «Трактор» жамоаси устидан шундай ҳисобда галаба қозонди. «Бухоро» эса Тошкентда чемпионат дебютанти «Локомотив»ни 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, ўз ҳисобидаги очколарини 7 тага етказиб олди. «Машъал» — «Қизилқум» ўртасидаги учрашув 2:2 ҳисобида якунланди. Олтинчи турнинг сўнгги учрашуви кеча Бекобда бўлиб ўтди. «Металлур» ўз майдонида «Самарқанд-Д» жамоасини қабул қилди.

ИККИ ҒАЛАБА, БИР
МАҒЛУБИЯТ

Геннадий Денисов шогирдлари кумуш медаль совриндори

1990 йилда туғилган ўсмирлардан тузилган мамлакат терма жамоаси Геннадий Денисов бошчилигида Непалда ўтказилаётган халқаро турнирда муваффа-

қиятли иштирок этдилар. Улар Туркманистон терма жамоасини 5:0, Бутан ва Покистон терма жамоаларини 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, ҳиндистонликларга

1:3 ҳисобида ўйинни бой бериб қўйдилар. Майдон эгалари билан бўлган учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

«Болалар фестивали» номи билан уюштирилган халқаро турнирда майдон эгалари олтин медални қўлга киритдилар. Мамлакатимиз терма жамоаси иккинчи ўйинни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирландилар.

Талъат ЮСУПОВ.

ФУТБОЛ

БАЛПИ,
ШИШЕЛЕВ!

Футбол бўйича Молдова чемпионатида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳужумчиси Владимир Шишелев томонидан киритилган гол «Зимбру» клубининг совринли ўринлар учун курашдаги имконини оширди.

Чемпионатнинг ўн тўққизинчи турида Кишинёвнинг «Зимбру» жамоаси «Дачия» билан кўч синашди. Учрашувда 1:1 ҳисоби қайд этилган бўлса-да, В.Шишелев жамоаси учинчи ўйинда бораётган «Тирасполь»га етиб олиш учун ахшигина имкониятга эга бўлди. Ҳозирча 29 очко жамғарган «Зимбру» туртинчи ўйинда турбиди. «Тирасполь» футболчилари «Зимбру»дан атиги бир очко олдинда бормоқда.

Навбатдаги киритилган голдан сўнг ўзбекистонлик ҳужумчи тўпурарлар баҳсида туртинчи ўринга кўтарилиб олди. Ҳозирги лойиҳага В.Шишелев рақиб дарвозасини олти маротаба аниқ нишонга олишга муваффақ бўлган.

Ў.А.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ
РЕЙТИНГИ ОШМОҚДА

Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА футбол бўйича терма жамоаларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Унда беш карра жаҳон чемпиони — Бразилия терма жамоаси биринчи поғонани эгаллаб турибди. Кейинги ўринларда Франция ва Испания терма жамоалари қайд этилган.

Жаҳон чемпионати саралаш босқичида Хитой Тайпей футболчиларини сафарда 0:1 ҳисобида мағлубиятга учратган Ўзбекистон миллий терма жамоаси рейтинг жадвалида тўрт поғона юқорига кўтарилди. 508 очко жамғарган терма жа-

моамиз янги рейтингда 80-ўринда қайд этилган. Жаҳон чемпионати саралаш гуруҳидаги рақибларимиз — Ирок терма жамоаси 45-поғонадан, Фаластин футболчилари 129-ўриндан, Хитой Тайпейи рўйхатнинг 151-қаторидан жой олган.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ
ОМАДЛИ БОШАНДИ

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Макаода ташқи этилган Осиё чемпионати беллашуларини муваффақиятли бошлади.

Александр Королёв бош мураббийлик қилаётган футболчиларимиз гуруҳдаги биринчи учрашувда Индонезия терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Ҳамюртларимизга галаба келтирган ягона голни биринчи бўлимда Николай Одушев киритди.

Ўзбекистонликлар иштирок этаётган «А» гуруҳида иккита учрашувда галаба қозонган беш карра Осиё чемпиони — Эрон терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда.

Александр Королёв шогирдлари иккинчи учрашувни Камбоджа терма жамоасига қарши ўтказди. Рақиб жамоа ҳам биринчи ўйинни ўз фойдасига ҳал қилган.

Ў.А.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ХОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-58-85,
136-53-54

Матбуот бўлими:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун режа ва эълон берувчилар масъулдир.